



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 140 (13.737)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШОНЛИ ТАРИХИ ВА БОЙ МЕРОСИ ХИТОЙНИНГ "CCTV 6" ТЕЛЕКАНАЛИ НИГОҲИДА

Хитойнинг "CCTV 6" телеканали Ўзбекистоннинг кўҳна ва шонли тарихи ҳамда бой маданий ва меъморий мероси ҳақидаги "Ўзбекистон тарихига назар ёхуд Буюк Ипак йўли тақдироти" деб номланган ҳужжатли фильмнинг биринчи қисмини 800 миллионга яқин аудиторияни ташкил қиладиган томошабинлари эътиборига ҳавола этди.

Бу мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонаси томонидан Ўзбекистоннинг халқаро нуфузига илгари суриш ва мустаҳкамлаш, диёримизнинг сайёҳлик ва маданий салоҳиятини кенг тарғиб этиш, ушбу соҳаларда рўй бераётган улкан ўзгаришларни Хитой Халқ Республикаси жамоатчилигига етказиш юзасидан олиб бораётган саъй-ҳаракатларнинг ёрқин амалий натижаларидан бири бўлди. Ушбу ҳужжатли фильм "CCTV 6" телеканалнинг World Film Report телекўрсатуви бошловчиси, Хитойдаги танқиди тележурналист Ван Нинтун бошчилигидаги ижодий гуруҳнинг жорий йил май ойида Ўзбекистон бўйлаб уюштирилган ижодий сафарнинг маҳсули сифатида дунё юзини кўрди.

World Film Report сайёҳлик ва саёҳатни оммалаштиришга ихтисослашган теледастур ҳисобланади. У ўзининг доимий томошабинлари сони билан Хитойдаги саёҳат орқали билимларни ошириш борасидаги кўрсатувлар орасида етакчи ўрнини эгаллайди.

Намоийш қилинган фильмнинг ушбу биринчи қисмини мамлакатимизнинг тарихи ва замонавий қиёфаси ҳақидаги муҳтасар ҳикояси билан бошлар экан, муаллиф бугунги Ўзбекистон Абу Райхон Беруний, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улугбек, Абу Али Ибн Сино сингари кўндан-кўп буюк аллома ва мутафаккирларга бешик бўлганини алоҳида таъкидлайди.

Журналист қадим Буюк Ипак йўли тарихи хусусида тўхталиб, бу машҳур магистралда жaxonга донги кетган, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд, гўзалликда бетакрор Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент сингари шаҳарлар жуда муҳим ўрин тутганини қайд этади. Ҳужжатли фильм ушбу тарихий кентлар бағрида жойлашган, дунёга донг таратган меъморий ёдгорликлар – машҳур Регистон майдони, Амир Темур мақбараси, Бибиҳоним масжиди, Арк қалъаси, Лаби ҳовуз мажмуи, Сомонийлар мақбараси, Ичон қалъа, Калта минон, Оқсарой ва бошқа қатор меъморий обидалар билан томошабинларни яқиндан таништиради.

Картинада тарих зарварақларида бунёдкор шахс сифатида ўнмас из қолдирган Амир Темур, у ва Темурийлар даврида илм-фан ва маданият жадал ривожлангани ўз эътирофини топган. Муаллиф буюк соҳибқирон асос солган улкан салтанат ҳақидаги фикрларини ривожлантириб, "Агар ўша даврда Амир Темур Хитойнинг Мин династияси устига ўз қўшинини тортибдиқана бугунги дунё бутунлай ўзгача қиёфа ва мазмун касб этган бўлар эди", дейди. Репортажда Иккинчи жaxon уруши бошланишига оид тарихий лавҳалардан ҳам ўз ўрнида фойдаланилган. "CCTV 6" телеканали бугунги кунларда Ўзбекистонда Амир Темур меросини асраб-авайлаш ҳамда уни келажак авлодларга етказишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида қайд этади.

Хитойлик журналист ислом уйғониши даври ҳақидаги фикрларини томошабинлар билан ўртоқлашган экан, жaxon табobati илмининг султони Абу Али Ибн Синони бу даврнинг ёрқин сиймоси, дея таърифлайди. Фильмда буюк аллома ҳаёти, унинг ноёб иктидор эгаси сифатидаги илмий фаолияти ҳақида атрофлича ва тўқинлилик сўзланади. Муаллиф, шунингдек, дунёнинг бошқа мамлакатларида фаолият кўрсатадиган мутахассис, шарқшунос ва тарихчи олимларнинг Ибн Сино ҳақидаги фикрларини ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола қилган.

Сюжетда ўзбеклар заминида яшаган ҳамда илмий-ижодий фаолият билан шугулланган буюк олим ва мутафаккирлар Абу Райхон Беруний ва Мирзо Улугбек жaxon илм-фан тараққиётига бебахо ҳисса қўшганига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Юқоридагилар билан бирга, Ўзбекистон ҳудудида археологлар томонидан кашф этилган қадимги шаҳар ва қўғонлар, топилган буддавийлик ёдгорликлари, турли қадимги тангалар, сопол буюмлар ва бошқа маданий мерос хусусида ҳам атрофлича фикр юритилган.

Улкамиз ана шундай тарихий-маданий бойликка эга эканини назарда тутган ҳолда муаллиф "Кўҳна ва шонли тарихга эга Ўзбекистон ўзининг мислсиз мероси, гўзалликда бетакрор масжидлари, мақбара ва мадрасалари билан бутун дунё сайёҳларининг эътиборини оҳанрабодек ўзига жалб этаётгани"ни алоҳида таъкидлайди.

Маълумот тариқасида шунан ҳам қайд этиш жоизки, "CCTV" (Chinese Central Television) Хитойда асосий ижтимоий телетармоқ ҳисобланади. "CCTV 6" эса тармоқ ичида кино маҳсулотларини эфирга узатувчи Хитой ҳудудидаги энг йирик телеканалдир.

Хитой ижодий гуруҳи раҳбари Ван Нинтуннинг маълум қилишича, "Ўзбекистон тарихига назар ёхуд Буюк Ипак йўли тақдироти" ҳужжатли фильми жами 5 қисмдан иборат бўлади. Унинг навбатдаги қисми ҳам ҳадемай Хитой томошабинларининг эътиборига ҳавола қилинади.

Шухрат УМИРОВ,
"Дунё" АА муҳбири
Пекин



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

Ушбу масала Халқаро пресс-клубнинг "Дам олиш маданияти: замонавий талаблар ва янги дам олиш масканлари" мавзусидаги сессиясида қизғин муҳокама қилинди.

Унда пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғлари раҳбарлари, масъулари, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари иштирок этди.

Эзнинг иссиқ кунларида истироҳат боғларига борувчилар ҳар қачонгидан ҳам кўп бўлади. Рақамларга мурожаат қилсак, юртимизда 150 дан зиёд маданият ва истироҳат боғлари мавжуд. Пойтахтимизнинг ўзида 24 та ана шундай маскан бўлиб, уларга қунига ўртача 150 минг одам боради. Байрам, дам олиш кунлари эса дам олувчилар сони 450-500 мингга етади.

Шарқ мамлакатларида сўлим боғлар, маданият масканлари қурилишига эътибор азалдан катта бўлган. Чунки боғларда инсон нафақат дам олади, балки табиат билан уйғуллигини янада теранроқ ҳис қилади, дейди маданият вазири ўринбосари Камола Оқилова. Бугунги кунда Шарқ ва Гарб давлатларида истироҳат боғлари барпо этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, Москва парklarини ўрганганимизда, фақат кўнгилоқлар аттракционлар эмас, кутубхона, музей, ресторан, театрлашган томошалар ўтказиш жойлари мавжудлигига ғувоҳ бўлдик. Бошқа

мамлакатлар тажрибасини ҳам ўрганаёмиз. Бойси юртимизга ташриф буорадиган сайёҳлар тарихий масканларни кўриб ўтмишимизга баҳо берса, маданият ва истироҳат масканларини кўриб бугунги тараққиёт, маданиятимизни баҳолайди.

Инсон музаййомқойиш ёки ўйин-кулги қилиш учунгина маданият ва истироҳат боғларига бормаслиги керак, дейди ЎЗА муҳбирига Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маънавий-маърифий бўлими раҳбари Абдуллаҳўжа Сулаймонҳўжаев. Улар ўз номи билан маданият маскани, тарбия ўчоғи бўлиши керак. Боғларда қадриятларимизни акс эттирадиган тадбирларни кўпайтиришимиз лозим. Уларда китоб ўқиш, спорт билан шугулланиш, дам олиш учун барча имкониятлар бўлиши керак. Биз богимизга келувчилар фикрини мунтазам ўрганиб борамиз, сўрономалар ташкил қиламиз, тез-тез жонли мулоқот қилиб тураемиз.

Сессияда пойтахтимиздаги "Экопарк", "Ашхобод", "Дўстлик" каби маданият ва истироҳат боғлари, сайлгоҳлар раҳбарлари бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

И.АҲАТОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН БИЛАН ҲИМОЯЛАНАДИ

Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар, 64 фоизини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас.

Парламент кўйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий кафолатлари: амалиёт, муаммо ва истиқболдаги режалар" мавзусида ўтказилган давра суҳба-тида ота-она қарамоғидан махрум ҳамда етим болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда ота-она қарамоғидан махрум ва етим болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим олиши, соғлиғини муҳофаза қилиш, ҳаётга мослашиши бўйича қонунчилик тарқоқ ҳолатда, яъни бир неча қонунларда акс эттирилганлиги таъкидланди. Бундай болаларни ҳимоя қилиш борасида алоҳида яхлит қонун қабул қилинмаган. Шу боис, айрим ҳолатларда уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ҳатто уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари учрамоқда.

Депутатларнинг ўрганишлари чоғида, масалан, Тошкент шаҳрида

2016-2017 йиллар давомида уй-жойга муҳтож бўлган 118 та етим болаларнинг аризаси рўйхатга олингани, улардан 50 таси бугунги кунга қадар ҳам ҳал этилмагани аниқланган. Айрим ҳудудларда бундай болаларга ажратиладиган уйларнинг аҳоли яхши эмаслиги, эски ва нурраб кетгани, кўп қаватли уйлардаги жондорларнинг коммунал тизими носозлиги, яшаш шароити яратилмагани, шу жумладан, ижарага берилганларнинг шартнома муддатлари туғати билан чиқариб юборилиши, хусусийлаштириш мумкин эмаслиги қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолатларга Тошкент шаҳрида, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган вилоятларида дуч келинган.

Айни муаммолардан қелиб чиқиб, давра суҳба-тида бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида қўмита томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти би-

лан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Ота-она қарамоғидан махрум бўлган болалар ва етим болаларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасида ота-она қарамоғидан махрум бўлган болалар ва етим болаларнинг алоҳида ҳуқуқлари кафолатлигини белгилаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, соғлиғини тиклаши, уй-жой билан таъминланиши ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишига оид нормалар қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Энг муҳими, қонун лойиҳасида бундай болаларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалашда юридик хизмат ва суд ҳимояси каби тушунчалар киритилиб, янги механизмлар жорий қилиш таклиф этилмоқда.

Тадбирда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор таклифлар илгари сурилди ҳамда уни янада такомиллаштиришга оид тавсиялар қабул қилинди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА муҳбири



Борча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан журналистлар учун ўтказилган брифинг Президентимизнинг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги фармони ва унинг аҳамиятига бағишланди.

• Навоийда Худудларда киноэтичликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссияси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

• Мўйноқ туманидаги Қўйи Сургил худудида иккинчи қудуқ очилиб, саноат захираларида табиий газ оқими ва газ конденсати олишга киришилди. Жорий йилнинг январь ойида ушбу худудда биринчи қон фойдаланишга топширилган эди. Шундан сўнг бу ерда геологлар хулосалари асосида бурғиловчилар ишни давом эттирдилар.

• Чирокчи туманида яшовчи ёш тадбиркор Бунёд Тошпўлатов тижорат банкидан 172 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик цехи очди. Туман ҳокимлиги томонидан "ноль" қийматда берилган бино қайта таъмирланиб, 20 замонавий тикув дастгоҳи ўрнатилди. 20 нафар чевар қиз доимий иш билан таъминланди.

• Термиз археология музейи томонидан "Амударё" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Археология оламига саёҳат" номли кўчма кўрғазма ташкил қилинди. Кўрғазмада болаларга музей ва унда сақланаётган экспонатлар ҳақида кенг тушунчалар берилди. Осори атикалар фотосуратлари эса ўғил-қизларнинг юртимиз тарихи, маданиятига бўлган қизиқишини оширди.

ЖАҲОНДА

• Францияда ўтказиладиган "Тур де Франс" нуфузли халқаро велопойларларда бу йил илк бор иштирокчилар эмас, балки велосипедлар учун тест синовлари жорий этилди. Яъни, пойга воситалари тезликни оширувчи қўшимча анжомлар ўрнатилган ёки йўқлиги бўйича тест синовларидан ўтказилди. Шундай текширувдан ўтган велосипедлар сони бу йилги турнирда жами бир ярим мингтани ташкил этди.

• Вьетнам шимолига кучли пўрта-на хуружи натижасида 32 киши ҳалок бўлди, юзлаб одамлар бедарак йўқолди. Беш мингдан ортиқ уйлар сув остида қолди, 80 минг гектар экин майдонлари яроқсиз ҳолга келди.

• Канаданингни Торонто шаҳрида номаълум кимсаннинг аҳоли гавжум жойда атрофдагиларга қарата ўқ узиши натижасида икки киши ҳалок бўлди, яраланганлар орасида болалар ҳам бор. Жиноятчи полиция ходимлари томонидан отиб ўлдирилди. Ушбу нохуш ҳодиса муносабати билан қурол-ярроғлар савдосини тақиқлашни талаб этган ҳолда Торонтода норозилик намойиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасида илк бор Судьялар Олий Кенгаши ташкил этилиши муносабати билан амалда судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминловчи ҳимоя тизими яратилди. Мамлакатимиз Судьялар Олий Кенгаши ташкил этилган кундан бошлаб, ўз фаолиятини Президентимизнинг “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” каби кўрсатмалари асосида амалга оширяпти.

Миробод туманида жойлашган Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Нуруний” жамғармаси, хотин-қизлар кўмиталари, Ёшлар иттифоқи фаоллари, жиноят, фуқаролик ишлари бўйича ҳамда маъмурий ва иқтисодий судлар расмлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлар ходимлари ва пойтахтимиз аҳолисининг Судьялар Олий Кенгашининг раиси Убайдулла Мингбоев билан учрашуви ва қабул ўтказилди.

Тадбир давомида мамлакатимизда судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асосланган, ҳодимлари ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Албатта, бугунги кун кечагидан буткул фарқ қилади. Одамлар ҳам аввалгидек эмас, улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади. Бунга юрдошларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига қўлаётган мурожаатлари салмомидан ҳам билиш мумкин. Ана шу мурожаатлар орасида суд идоралари ва судьялар фаолияти билан боғлиқлари кўп эканлиги соҳага ўз умрини бағишлаган ҳар бир ҳодимни жиддий мулоҳазага ундайди. Биз аслида инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячиси бўлишимиз керакмасми... Модомики, суд корпуси халқимизнинг дарди билан яшаб, уларнинг ишончини қозонмас экан, халқнинг юқори баҳосини олмаб экан, судьяларимиз фаолиятининг самараси бўлмайди.

Шу ҳолат давлатимиз раҳбари томо-

нидан алоҳида қайд этилди: “Асосий мақсадимиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат кўрғони”га айлантиришдан иборатдир”.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек қонуний манфаатларини

ҳалол ва виждонан бажариши судьянинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик образини ҳамда умуман суднинг нуфузини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Маънавий жиҳатдан юксак инсонлар судьялик лавозимида фаолият олиб борса, аҳоли суд идораларида сарсон-саргардон бўлмайди, ортқча овозгарчилик ҳолатлари барҳам топади. Шундан

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИ ИШТИРОКИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

ни суд орқали ишончи ҳимоя қилишга одил судловнинг мустақиллигини, беғаразлигини ва лаёқатлигини таъминлаш орқали эришилади. Бу ҳар бир судьянинг конституциявий юрмаларга ва қонунларга, “Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси” қондаларига риоя қилишини, ўз фаолиятини адолат ва холислик принципларига асосланган амалга оширишни назарда тутди.

Судьяларнинг мустақиллиги, дахлсизлиги, улар фаолиятга аралаштиришга йўл қўйилмаслигининг давлат томонидан қамқолиниши, моддий ва ижтимоий таъминот даражаларининг юқори эканлиги одил судловга эришиш – қонуний, асосланган ва адолатли суд қарорлари чиқарилишининг омилларидир.

Судьянинг Кодекс қондаларига сўзсиз риоя қилиши, ўз хизмат вазифаларини

келиб чиқиб, ҳар бир судья томонидан аҳоли билан жойларда ойига камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этиш ҳамда суд ходимлари ўз фаолияти юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашида ахборот бериши билан боғлиқ амалиётни йўлга қўйиш ҳақидаги таклифлар илгарги сурилдики, булар пировардида кўрсатиб ўтилган салбий ҳолатларни бартараф этишда кўп келиши, шубҳасиз. Ўйлаймизки, бу олдимизга қўйган устувор мақсад — одил судловни рўйбга чиқаришимизда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Умуман, бугун халқ орасига кириб бориш, уларнинг дарди билан яшаб, керак бўлса, муаммоларини жойида ҳал этиш ҳар бир давлат хизматчисидан, шу жумладан, судьялардан ҳам катта фидойилик талаб этади.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини Руслан Давлетов суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берди. Соҳа ходимлари Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органлари ахборотида ишончи ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришга муҳим эътибор қаратаётганлиги айтиб ўтилди.

Мунозаралар давомида долзарб масалалар ҳам кўтарилди. Жумладан, сайёр суд мажлислирида маҳалла томонидан кафиликка олинаётган шахсларнинг келгусидаги хатти-ҳаракатларига жавобгар бўлиш, судьяларнинг ва суд ходимларининг жавобгарлиги ва фуқаролар билан муомаласи тўғрисида, халқ олдида обрў-эътибор қозонган судьяларнинг ҳаёт йўли, одил судловни амалга оширишдаги ижобий тажрибаларни кенг омаллаштириш, “Суд ҳимоясида” рунклар остида миллий телеканалларда кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда кинофильмларни суратга олиш, Интернетда ва ижтимоий тармоқларда судлар тўғрисида тезкор ва тўлиқ маълумотларни жойлаштириш лозимлиги қайд этилди.

Тадбирда “Обод маҳалла” ва “Хавфсиз шаҳар” дастурларига мувофиқ ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, лоқайдлик ва бе парволикка чек қўйиш, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳар бир тошкентликнинг бурч ва энг муҳим вазифаларидан бири бўлиши шартлиги ҳақида фикр билдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, судьялик улкан ақл-заковат ва кўп йиллик ҳаётий тажрибани, интизом ва покизаликни тақозо қиладиган масъулиятли, мураккаб, шу билан бирга, шарафли касб ҳисобланиши ҳар бир судья ҳар доим ёдида туриши шарт!

Маъруф УСМАНОВ,
“Нуруний” жамғармаси
Тошкент шаҳар бўлими
маслаҳатчиси

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Жорий йилнинг 14-16 июль кунлари Ҳиндистон Ислом маданияти маркази президенти С.Қурайши Ўзбекистонга ташриф буюрди. Мазкур сафар Ўзбекистоннинг Дехлидаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ташриф чоғида Ҳиндистон Ислом маданияти маркази билан Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ме мораandumлар имзоланди.

Ҳужжатларда ўзаро манфаатли илмий, маданий ва маърифий соҳалардаги алоқаларни йўлга қўйиш, хусусан, конференция, симпозиум ва семинарлар ташкил этиш, тадқиқотлар ўтказиш, мутахассислар ва тажриба алмашинуви ҳамда зиёрат туризми дастурларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Ҳиндистонлик меҳмон ташриф давомида Ўзбекистон муслмонлари идорасида ва Ислом цивилизацияси маркази раҳбарияти билан учрашувлар ўтказди, шунингдек, Тошкентда Ҳазрати Имом, Самарқандда Имом Бухорий мажмуаларини зиёрат қилди.

“Дунё” АА
Дехли

ПЕКИНДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Хитой халқ табобатини ўзлаштириш ҳамда Ўзбекистоннинг мазкур мамлакат билан соғлиқни сақлаш жабҳасидаги ҳамкорлиги ривожига ҳисса қўиши мақсадида юртимизнинг Пекиндаги элчихонаси кўмағида ўзбек шифокорларининг Хитойда ўзаро тажриба алмашув дастури ташкил этилди.

Дастурда Бухоро давлат тиббиёт институти, Тошкент фармацевтика институти, Республика ихтисослаштирилган физиотерапия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган тери-таносил касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази вакиллари билан бирга Ўзбекистон шифокорлари гуруҳи билан Бирга Гана, Беларусь, Вьетнам, Шри-Ланка, Венесуэла сингари дунёнинг 16 мамлакида табобат ва фармацевтика йўналишларида фаолият кўрсатадиган мутахассислар иштирок этмоқда.

Улар ХХР тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар ва бошқа етуқ мутахассислардан Хитой халқ табобатининг назарий билимларини ўзлаштириши. Махсус тренинг марказида олинган билимлар Пекин шаҳри марказида жойлашган “Хитой аънавий табобати” клиникаси бўлимида амалий сабоқлар билан мустаҳкамланди. У ерда дастур қатнашчилари клиниканинг ўпка ва тери касалликлари, физиотерапия ва муолажа бўлимига иш фаолияти билан ҳам аяндан танишдилар.

Ушбу тажриба алмашув дастури доирасида Ўзбекистон тақдиримоти бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вакиллари юртимиз соғлиқни сақлаш жабҳасида кўлга киритилаётган муваффақиётлар билан бирга диёримизнинг бой ва бетақорор сайёҳлик салоҳияти, жумладан, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива сингари тарихий шаҳарларнинг диққатга сазовор масканилар, табиат қўйнида жойлашган ҳудудларга Чорвоқ ва Зомин оромгоҳларида чет эллик меҳмонлар учун яратилган қўлай шaroитлар, ўзбек халқининг ўзига хос миллий урф-одат ва аънавалари тақдим этилди.

Хитойда халқ табобати замонвий усуллари билан чамбарчас боғланиб кетганига гувоҳ бўлиб, — деди дастур иштирокчиси, Тошкент фармацевтика институти кафедра мудири Моҳиун Исмоилова. — Айниқса, халқ табобатида илгор инновация технологияларининг ҳам кенг қўлланилаётгани бизда катта таассурот қолдирди.

Шухрат Умиров,
“Дунё” АА мухбири
Пекин

ЮРТИМИЗДА БИЗНЕС ТАЪЛИМ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида “Республика аҳолисининг кенг қатламларини тадбиркорликка йўналтириш бўйича ўқув жараёнларини такомиллаштиришнинг истиқболлари” мавзусида видеоконференция тарзидаги давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатини ривожлантириш давлат кўмитаси, Республика тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш маркази, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон-Хитой савдо-сотиқ ассоциацияси вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида иштирокчилар Республика тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш маркази томонидан бизнес таълими натижадорлиги, аҳолининг кенг қатламларини тадбиркорликка йўналтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида марказ ташкил этган ўқув курсларида жами 5 ярим миңга яқин тадбиркорлик субъекти тахсил олди. Тингловчиларнинг 500 га яқини тадбиркорлик фаолиятини янгидан бошлади, 221 тадбиркорлик субъекти фаолиятини қайта қўйди. Натихда 920 дан ортқк анги иш ўрни яратилди. Бу вaкт давомида марказ тингловчилари ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, ривожлантириш мақсадида 5,8 миллиард сўм микдоридаги кредит маблағларини олди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, тизимда ҳали камчиликлар ҳам мавжуд.

Марказ фаолиятини худудий вазирликда тахлил қилсак, қатор камчиликлар мавжуд. — дейди Республика тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш маркази раҳбари Улугбек Камолдинов. — Қатор вилоятларда ўқув курслари ҳақида телевидение, радио, газеталарда эълон берилмаган, улар фаолияти ёритилмаган. Тошкент ва Самарқанд вилоятлари туманларида 3 ой давомида ўқув курслари ўтказилмаган. Навоий вилоятини эса курсларда қатнашиб сертификат олган тингловчиларнинг муаммолари юзасидан сўрловлар ўтказилмаган.

Давра суҳбати якунида марказ олдида турган долзарб вазифалар ва келгуси режалар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

(ЎЗА)

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда Қирғизистон Республикасининг хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик секторларининг хотин-қизлар ассоциацияси делегацияси меҳмон бўлиб турибди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида мазкур делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва балолиқка оид долзарб масалаларга ўз вақтида ечим топиш, саломатлиқни мустаҳкамлаш, ёшлар, оилалар тадбиркорлигини равнақ топтириш масалалари устувор ўрин эгаллашини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони буй йўналишда янги имкониятларни очмоқда. Мамлакатимизда аёлларга қаратилаётган эътибор, хотин-қизлар, оилалар манфаатларини таъминлаш борасидаги амалий ишлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан Қирғиз-

истон Республикасининг хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик секторларининг хотин-қизлар ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик масалалари бўйича меморандум имзоланди.

Қирғизистон делегациясининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан учрашуви ҳам самимий руҳда ўтди.

— Ташриф гоят самарали бўлмоқда, — деди Қирғизистон Республикасининг хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик секторларининг хотин-қизлар ассоциацияси раиси Каана Айдаркул. — Мулоқот ва учрашувлар давомида ҳамкорлик истиқболларини белгилаб олмақдамиз. Ўзбекистонда аёллар, оилалар манфаатини таъминлаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар эътиборга моликдир.

Меҳмонлар Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Халқ таълими вазирлигида ҳам бўлди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрига ташриф кўзда тутилган.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистонда мазкур соҳадаги муносабатлар “Энергиядан оқиллона фойдаланиш тўғрисида”ги, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонунлари билан тартибга солинган. Бу борада Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони алоҳида аҳамиятга молик ҳужжат саналади.

СЕРҚУЁШ ЎЗБЕКИСТОН ЧЕКСИЗ ЭНЕРГИЯ МАНБАИДИР

Фармондан кўзда тутилган мақсад тўплаган тажрибани эътиборга олган ҳолда ва тадқиқотлар ҳамда тажриба-саноат ишланмаларини юқорида техника ва илмий даражада ўтказишни янада давом эттириш, жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб, юртимиз шароитида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги айрим ечимларни амалда қўллаш, шунингдек, мазкур соҳа учун замонавий ускуналар ва технологияларни шу ерда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш чораларини кўришга қаратилган. Энг муҳими, унда соҳа қонунчилигини такомиллаштириб, “Муқобил энергия манбалари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги белгиланган. Чунки юртимизда йилнинг 270 куни қуёшли бўлади ва бу энергия ишлаб чиқариш учун яхшигина имкониятдир.

Ўзбекистоннинг ялпи қуёш энергиясининг йиллик салоҳияти қарийб 51 миллиард тонна нефть эквиваленти, техника салоҳияти эса 179 миллион тонна нефть эквиваленти тенгдир. Мамлакатимизда муқобил энергиядан фойдаланишни биринчилардан бўлиб академиклар Убай Орипов, Содик Азимовлар 1950 йиллардан бошлаб уйларни иситиш, иссиқ

сув билан таъминлаш учун қуёш коллекторларини ишлаб чиқишда ва бир неча уйлар қурилиб тажриба синовлари ўтказишди. Қуёш фотоэлементларидан олинган энергия ўша даврларда жуда қиммат, ёқилғиларнинг нархи эса ақинча эди. Бугунга келиб вазият ўзгарди. Қуёш энергиядан фақат электр қуввати олиш учун эмас, балки ундан коллекторлар орқали сув иситишда, қуёш ўчоғи орқали овқат, нон пиширишда, чучук сув олишда, меваларни қуриштишда фойдаланиш мумкин.

Ҳозирда Ҳиндистон ва Хитой давлатларида 2 миллиондан ортқк қуёш ўчоқлари мавжуд. Президентимиз томонидан қабул қилинган фармонда 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станцияларини қуриш таъкидланган. Бу билан завод ва фабрикаларни, қишлоқларни, кичик шаҳарларни тўла электр энергия билан таъминлаш мумкин. Бундай қурилмалар энергияни сақлаш аккумуляторларига эга, қуёш бўлмаган вақтларда, тунда ҳам электр қуввати билан таъминлаш мумкин.

Адҳам КАМОЛОВ,
“Ўздавэнегрозозорат” инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими инспектори

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳар экология бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги Жамоатчилик кенгаши, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат кўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан қабул қилинган соҳага оид ҳужжатлар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ВА ЭКОЛОГИЯ

Учрашувда Жамоатчилик кенгаши вакили даракларни кесганлик учун жавобгарликни қўлайтириш тизимини қайта бўриб чиқиш ва бунинг учун жариима миқдорини бир неча бараварга оширишни таклиф қилди. Жамоатчилик кенгаши вакили фариға кўра, даракларнинг электрон реестрини яратиш масаласи ҳам жуда муҳим.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари шаҳар ўсимлик фондини иқтисодий баҳолаш тизимини яратиш тақлифини ҳам қўллаб-қувватладилар. Бундан ташқари, ҳар бир дарахт учун масъул органи белгилаш масаласи ҳам кўтарилди.

Тошкент шаҳар Экология бошқармаси мутахассиси

Нодиржон Юнусов пойтахтимизда кейинги 10 йил давомида дарахт экиш, даракларни парваришлаш, ўғитлаш, уларни касалликлардан даволаш, хориздан келтирилаётган дараклар учун вақтинчалик карантин масалаларига тўхтади. Н.Юнусов сўзларига кўра, Тошкентдаги кўп қисми дараклар касалланган, чунки улар бунга қарши эмланмагани айтиб ўтилди.

Матбуот анжуманида, шунингдек, барча қабул қилинган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни жойлардаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, маҳалла ноэирларига тушунарли шаклда етказиш зарурилиги таъкидланди.

З.ШАРИФЖОНОВ

"Обод маҳалла" дастури – амалда

Маълумки, юртимиз бўйлаб "Обод маҳалла" дастури доирасида кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир. Йиллар давомида эътибордан четда қолган кўчалар, аҳоли яшаш ҳудудлари, маҳалла гузарлари ва бошқа жойларни янгилаш ва обод қилиш борасида чора-тадбирлар кўрилади.

Хайрли мақсадлар йўлида ўтказилаётган тадбирларга ҳар куни 230 нафардан ортиқ ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорликда ички ишлар органларининг бошқа соҳадаги хизмати ходимлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари, газ ва электр таъминоти корхоналари мутасаддилари, ободонлаштириш ишчи-хизматчилари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа идора вакиллари жалб этилмоқда.

"Обод маҳалла" дастурига асосан бугунга қадар 44 та кўп қаватли уйлар ертўласи сувдан холи қилинди. Ҳудудлар 929 тонна маиший чикиндилардан тозаланди, ушбу тадбирга 307 та техника жалб қилинди. Кўп қаватли уйларидаги 316 та носоз умумий электр тарқатиш жавонлари таъмирланди. 164 та газ тақсимлаш пунктлари, 121 та трансформатор, 211 та ер ости сув олгичлари, яъни гидрант содланди. Ҳудудлардан 311 та сунъий тўсиқлар олиб ташланди, шунингдек, 246 та темир-бетонли электр ҳаво линиялари таъмирланди, 140 та симёғоч темир-бетонлисига алмаштирилди.

Ишчи гуруҳ томонидан Олмасор туманининг "Ёшлик" маҳалласида жойлашган 21-ва 22-сонли оилавий ётоқxonанинг иккинчи қаватидаги электр тақсимлаш қутиси носоз ҳолда экани ва йўлакни ёритиш тизими таъмирланаётиб аҳволдалиги аниқланиб, туман ёнғин хавфсизлиги ходимларининг ташаббуси билан электр тақсимлаш қутиси янгисига алмаштирилди, йўлакни ёритиш тизими ҳам таъмирланди.

Якқасарой тумани, "Ракатбоши" маҳалласидаги Баҳодир кўчасида жойлашган 16-ва 19-кўп қаватли уйлар олдига ўт ўчириш техникаларига сув етказиб берувчи ер ости сув олгичи носозлиги сабабли ёнғин чиққанда ёнғин хавфсизлиги ходимларининг сув олиш имкониятлари чекланган эди. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Якқасарой тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳамда туман сув тармоқларини эксплуатация қилиш корхонаси билан ҳамкорликда ушбу муаммо бартараф этилди.

Туманининг Нормухаммедова кўчаси, "Мерос" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Обод маҳалла" дастури асосида жорий йилнинг июль ойида 12 та темир-бетонли устун ўрнатилди. "Ракатбоши" маҳалласида жойлашган 18-хонадонда аниқланган

камчиликлар юзасидан дахлдор ташкилот ходимлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилди. Уй эгасига кузги-қишки мавсум жараёнида хонадондаги барча воситалардан ёнғин ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш тушунтирилди.

Тумандаги "Ракат" МФЙга ушбу маҳалладаги тадбиркорлар томонидан янги маҳалла маркази қуриб фойдаланишга топширилди. Бу ерда турли соҳалар билан боғлиқ элик нафардан ортиқ фуқароларнинг иши билан таъминланиши кўзда тутилган. Ушбу бинога ёнғинга қарши қалқон ҳамда ёнғиндан хабар берувчи қурилмалар ўрнатилди.

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШ – БАРЧАНИНГ БУРЧИ

Шу билан бирга маҳалладаги барча аҳоли турар жойлари, бино ва иншоотлар, кўчалар кўриқдан ўтказилиб, доимий назоратга олинди. Фуқароларга хавфсизлик қоидаларига амал қилиш бўйича кўргазмали воситалар ёрдамида тушунтириш ишлари олиб борилади.

Учтепа тумани, "Найман" маҳалласидаги электр тақсимлаш жавонларига қисқа туташувлардан содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида химоя сақлагичлари, автоматлари ўрнатилди. Бу эса хонадонларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан кам таъминланган фуқароларнинг холидан ҳам хабар олинмоқда. 31-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Турғун Мусаевага вояга етганидан сўнг туманининг 22-дахасидаги 7-уйнинг 74-хонадон топиририлган эди. Бу хонадон қаровсиз ҳолатга келганлиги боис, таъмирланди, уй ва ошхона жиҳозлари олиб берилди.

Шайхонтоҳур тумани, Чорсу мавзеси, "Чорсу" маҳалласидаги кўп қаватли 5-уйнинг 3-кириш йўлидаги электр тақсимлаш жавонига ортиқча юкланиш ва қисқа туташувларнинг олдини олиш



га мўлжалланган сақлагичлар ўрнига оддий симлар қўйилгани маълум бўлди. Тошкент шаҳар электр тармоқлари идорасининг мутахассислари томонидан бу ерга меъёрий талабларга жавоб берадиган химоя сақлагичлари ўрнатилди.

Миробод тумани ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўтказилган профилактик тадбирлар давомида Кўйлик 4-мавзеси, "Толарик" маҳалласи, 49-уй ертўласидаги қувурларнинг носозлиги сабабли ертўлага сув тўпланиб қолгани аниқланиб, муаммо бартараф этилди.

Мирзо Улуғбек туманида ҳам ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан профилактик тадбирлар олиб борилади. Тадбирлар жараёнида ёнғинларнинг содир бўлиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фуқароларга тушунтиришлар берилди. Айниқса, содир бўлаётган ёнғинларнинг 75 фоизи фуқароларнинг хонадонларига тўғри келаётганлигини инобатга олиб, бундай ҳолатларга эътиборли бўлиш лозимлиги таъкидланди.

Туманининг "Навнихол" маҳалласидаги 26-уйда соҳа ходимлари ҳамда дахлдор мутахассислар ҳамкорлигида амалий тадбирлар бажарилди. Электр ҳамда газ мосламалари таъмирланди.

Туман ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари ташаббуси билан маҳалламизда ёнғин хавфнинг олдини олиш бўйича профилактик ишлар олиб борилади, дейди шу ўйда истиқомат қилувчи Раёно Очилова. Шахсан менинг уйимда газ ва электр мосламалари созилиги текширилиб, мавжуд камчиликлари тузатилади. Бунинг учун уларга миннатдорчилик билдираман.

Ободлик йўлида олиб борилаётган ишлардан кўзланган мақсад аҳоли турмушининг янада фаровонлашувига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хулоса ўрнида айтиш керакки, "Обод маҳалла" дастури доирасида олиб борилаётган сазой-харакатлар ҳўжакўрсинга эмас, барчани одамларнинг яхши яшашлари учун қилинаётган эзгу ва мақсадли ишлардир.

А.САЛИМОВ

ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Оилада фарзанднинг дунёга келиши оила аъзолари учун катта қувонч бағишлайди. Унинг камолга етишида маънавий муҳит муҳим ўрин тутаяди.

Оиладаги бобо-буви, ота-оналар оила бошлиги ҳисобланар экан, униб-ўсиб келаётган ёш авлод ўзaro муносабатларда улардан ибрат олади. Фарзандлар, набираларга тарбия жараёнида жуда эътиборлик билан ёндашмоқ керак. Фахрий устоз, бир неча фарзандларнинг онаси, 12 неваранинг бувиси сифатида ўз таърибамдан келиб чиқиб, шуни айтишни хоҳлардимки, болажонларнинг кўнгли жуда нозик, уларга ниҳоятда меҳрибонлик, ҳаққонийлик, адолат билан муомала қилиш керак. Улар билан муносабатларда ҳаммага бир хил муомалада бўлиб, уларнинг қизиқишига алоҳида эътибор бериш зарур. Улар жуда қизиқувчан, кўп нарсани билишни хоҳлашади. Уларнинг саволларига ҳеч қачон беъэтибор бўлиш керак эмас.

Баъзан улар ўз саволлари билан бизни шундай ҳайратга солиб қўйишадики, lol қолмасликнинг иложи бўлмай қолади. Улар олдига уялиб қолмаслик учун, биз бувижонлар ҳам ўз устимизда иш-лашимиз, изланишимиз, кўпроқ ўқиб-ўрганишимизга тўғри келади. Баъзи бувижонлар набиралари кўнглини олиш учун уларни кўпроқ егуликлар билан сийлашади, бунга ўрганган болажонлар эса, бизнинг қўлингизга қарашга ўрганиб қолади. Бундай ҳолатлардан қочиб учун набираларингизга кўпроқ китоб ўқиб беринг, топишмоқлар айтинг, эртақлар айтиш жараёнида қаҳрамонлар ҳақида саволлар беринг, уларга қайси қаҳрамонлар ёқяпти, нима учунлигини сўраб боринг. Уларни қўлидан етаклаб, истироҳат боғларига олиб боринг, китоб

дўкони, китоб байрамларига олиб боришни сира унутманг.

8-синфда ўқийдиган неварам Самандар чет тилларини ўрганишни, спорт тўғраракларига қатнашишни ёқтиради, 6-синфда ўқийдиган Абдуллоҳ кўпроқ макетлар ياسага қизиқади, 3-синфда ўқийдиган Омина эса китоб ўқийшни жуда ҳам ёқтиради.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, фарзандлар, набираларимизни ёшлигиданок меҳнатга ўргатишимиз керакки, улар ҳеч қачон меҳнатдан қочмасинлар. Бу нарсани уларнинг келгуси ҳаётларида ҳам жуда асқотади. Ҳеч қачон уларни "ёш-ку, кўп нарсанга ақли етмайди", деб ўйлашмигимиз керак! Биз уларни ўзимизга қанча яқин тутсак, улар бизга шунча яқинлашади. Уларга ҳадеб даққи, танбёҳ бериш шарт эмас. Улар кўрган нарсаларидан ибрат олишга одатланишади. Халқимизда: "Экканингни ўрасан" деган гап бор. Биз катталар канчалик эътиборли, меҳрли бўлсак вақти келиб, бу нарсалар бизга ортиги билан қайтади.

Биз Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Зебуннисо, Увайсий, Зулфияхонимдек аждодлар авлодиданмиз. Набираларимизга шу нарсаларни тушунтириб борсак, юртимиз шаънини янада кўкларга кўтарган, қадриятларимизни умрибоқий бўлишига ўз хиссамизни қўшган бўламыз. Оилаларимизда соғлом маънавий муҳит яратиб, оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибат, дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкам бўлишига имконият яратамиз.

Гулчехра КАРИМОВА

Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязов Украина пойтахтида машҳур опера ва эстрада кўшиқчиси, композитор, СССР ҳамда Озарбайжон ССР халқ артисти Муслим Магомаев таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш муносабати билан ташкил этилган тадбирларда иштирок этди.

ЖЕНИСБЕК ЎЗ МАҲОРАТИ БИЛАН ЯНА ОЛҚИШГА САЗОВОР БЎЛДИ

Женисбек Киев давлат консерваториясида бўлиб ўтган тантанали концерт дастурида Магомаев репертуаридаги "Менга мусиқани қайтар", "Трубадур серенадаси" ва "Нокторн" номли кўшиқларни ижро этди.

Пиязов ўзининг опера кўшиқлари билан киевликлар ва меҳмонлар қалбидан жой олди ҳамда юксак олқишларга сазовор бўлди. "Менга мусиқани қайтар" асари ижроси чоғида эса кўплаб иштирокчиларнинг кўзларига ёш келди.

Женисбекнинг баритондан басга осон ўта олувчи жозибадор овози барчани бирданга мафтун этди. У Муслим Магомаев репертуаридаги кўшиқларнинг чиройли ижроси билан барчани мамнун этди, – деди Озарбайжон маданият вазири Абдулфас Гараев. – Пиязовнинг ижодий фаолияти, шу жумладан, унинг Магомаев асарлари ижроси озарбайжонликларнинг алоҳида эътироби ва эътиборига лойик.

Женисбек Пиязов жуда қобилиятли. У 2012 йилда Муслим Магомаев номидаги халқаро конкурс Гран-присида сазовор бўлган. Бундай мукофот эса фақат энг катта иқтидор соҳибларига насиб этади. Мен мазкур ижрочини таниганимдан бахтиёрман, – деди Украинадаги "Келажак шахслари" ижтимоий бирлашмаси бошқаруви раиси, "Йил одами" ижтимоий ташкилоти президенти Аркадий Райцин.

"Дунё" АА
Киев

ХАЛҚАРО ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАР БERAДИ?

Ўзбекистон истеъмолчилар

ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерацияси Халқаро истеъмолчилар ташкилотига аъзо бўлди. Шу муносабат билан пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнида истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича миллий сиёсатга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерацияси делегацияси Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ишчи таширф билан бўлди. Учрашууда Халқаро истеъмолчилар ташкилоти бош директори Аманда Лонг хоним Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерациясига аъзолик сертификатини топширди.

– Халқаро истеъмолчилар ташкилотига аъзолик федерацияга истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш борасида ахборот алмашиш, донор ташкилотлар маблағлари эвазига амалга ошириладиган минтақавий лойиҳаларда иштирок этиш, соҳада амалга ошириладиган илгор таърибалар, халқаро микёсда қабул қилинаётган ҳужжатлардан хабардор бўлиш имконини беради, – деди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Жаҳонгир Саримтоқов.

Д.СУННАТОВ

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида туман ва шаҳарлар ички ишлар бўлими ва бошқармалари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари учун ўқув йиғини ташкил этилди.

Унда асосий эътибор маҳалла фуқаролар йиғини, турли жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ва ҳокимликларнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий йўналишлардаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилди. Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, гоғлар ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклаш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолигини ошириш бўйича фикр алмашилди.

М.ТОШҚОРАЕВА,
Ўза муҳбири

Бугунги кунда алимент тўлашдан бўйин товлаш, алимент тўлаш борасида қарзи бор баъзи фуқаролар пул топиш учун ўзга юртларга кетиб ишлаётгани, аммо алимент пулларини ўз вақтида тўламаслик, умуман алимент ундируви билан боғлиқ баъзи муаммолар учраб турибди.

ЯНГИ ТАРТИБ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

Бунинг натижасида боладан алоҳида яшаётган отанинг ўз боласи олдидики моддий мажбурияти учун жавобгарлик амалда бола билан бирга яшаётган она зиммасига тушмоқда. Ана шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликмизда янги тартиб, яъни 2018 йил 9 январда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Қонунга кўра, Жиноят, Оила ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда белгиланган алимент масаласига оид нормалар ўзгартирилди ва янги модда билан тўлдирилди. Ушбу қонун жорий йилнинг 11 июлидан қучга кирган бўлиб, унга кўра маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда кўйидагилар белгилаб қўйилди.

Жумладан, алимент тўлашдан бўйин товлаганлик учун 15 суткага маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий қамоқ қўлланиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йиғирма баравари миқдориди жарима солиш.

Шунингдек, биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Эндиликда Жиноят кодексига кўра моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд бўйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса – икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Шунингдек, шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўласа, жавобгарликдан озод этилиши ҳам белгиланган. Оила кодексининг 99-моддасида аввал ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари

билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги кераклиги белгиланган эди, янги таҳриргга кўра, ҳар бир бола учун алимент миқдори қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 75 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлик Оила кодексининг 81-моддаси иккинчи қисмига кўра ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятдан озод қилмайди.

Ўзбекистонда бу ишларнинг бир қисми давлат ижрочилари зиммасига юкландилган. Бу фақатгина суд қарорлари ҳамда нотариал тартибда тасдиқланган қелишувлар ижросига тегишли эканини унутмаслик зарур. Давлат ижрочилари қарздорнинг яшаш ва иш жойини, даромад манбаини аниқлаши, қарздор ҳақида паспорт-виза хизмати хабардор этиши лозим. Паспорт-виза хизмати эса қарздорнинг қарзи ҳақида огоҳлантирилганидан кейин жиноят ишини қўзғатиш учун ҳудудий прокуратура ёки ички ишлар органига ҳужжат тайёрлайди.

Ота-она ўртасидаги никоҳ муносабатларининг узилиши болаларнинг моддий таъминотига таъсир этмаслиги керак. Халқимизнинг қўл асрлик аънаналари ва руҳиятига ҳам, халқлар ҳуқуқ ва инсонийлик мезонларига ҳам мо ана шу қоида алимент муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатларимизга киритилиши ва ижро этилиши лозим. Шу мақсадда, биринчидан, вояга етмаган боласи бор эр-хотинларни никоҳдан ажратиб таъминлашга барча ишлар туман судларига ўтказилиши; иккинчидан, никоҳдан ажралган эр-хотинга болалари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун махсус воситачилик хизматидан фойдаланиш имконияти берилиши керак.

Мазкур тақлифларнинг амалга ошиши қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида олиб борилаётган бошқа ишлар билан биргаликда, шак-шубҳасиз, бундан буён ҳам Ўзбекистонда оилаларнинг бузилиши дунё бўйича энг паст даражада сақланиб қолишини таъминлайди.

Хурийд ИСЛОМОВ,
Мажбурий ижро бюросининг
Бектемир туман бўлими
бошлиги ўринбосари



Футбол янгиликлари

ТУРНИНГ МАРКАЗИЙ БАҲСИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVII миллий чемпионатининг 18-туридан кейин чемпионлик учун курашадиган 6 та клуб номи деярли маълум бўлди.

Ушбу турнир марказий баҳси Тошкентдаги "Миллий" стадионда азалий рақиблар — "Бунёдкор" ва "Навбахор" жамоалари ўртасида кечди. Айтиш жоизки, кўпчилик мухассислару, мухлислар ушбу ўйинда "Навбахор" галаба қозонишини тахмин қилишаётганди. Сабаби, наманганлик чарм тўп усталари таркиб жиҳатидан "Бунёдкор"-дан кучлироқ саналишарди. Дарҳақиқат, 90 дақиқа ўйин давомида тўпни назорат қилиш, рақиб дарвозасига ҳужумлар уюштириш борасида "Навбахор" устунлик қилди. Ҳатто, 32-дақиқада айнан ҳисоб мەҳмонлар футболчиси Р.Ахмедов томонидан очилди — 0:1.

Ушбу гол Миржалол Қосимов шогирдларини гўё уйқудан уйғотгандек бўлди. Энди "Бунёдкор" жамоаси ҳам мەҳмонлар жарима майдони томон хавфли юришларни амалга ошира бошлади. Бу ўз самарасини берди. 38-дақиқада Д.Ахмадалиев мەҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисоб орасидаги мувозанатни тиклади — 1:1.

Иккинчи бўлимнинг 52-дақиқаси-

да Ф.Райевац томонидан мەҳмонлар дарвозасига киритилган иккинчи гол ўйин охирига қадар ўзгармади ва 2:1 ҳисобидаги иродали галабага эришган "қалдирғоч"лар турнир жадвалида "Пахтакор"дан кейин иккинчи ўринда боришмоқда.

Турнинг қолган ўйинлари куйидагича якунланди: АГМК — "Бухоро" — 2:0, "Пахтакор" — "Металлург" — 3:0, "Насаф" — "Кўкун" — 1:0, "Сўғдиёна" — "Локомотив" — 0:0, "Нефтчи" — "Қизилқум" — 0:1.

Шуни айтиш жоизки, чемпионатнинг биринчи босқич иккинчи давра баҳслари ҳали якунига етмаган бўлсада, миллий биринчиликнинг иккинчи босқичида чемпионлик учун курашадиган 6 та жамоа номи деярли маълум бўлди. Энди Суперлиганинг "Пахтакор", "Бунёдкор", "Навбахор", "Локомотив", "Бухоро" ҳамда "Металлург" жамоалари чемпионлик учун курашни давом эттиришга; қолган клублар кучлилар сафига қолиш учун бор имкониятларини ишга солишади.

ҲАМКОРЛИҚДА ИШЛАШГА КЕЛИШИБ ОЛИШДИ

ЎФА ташаббуси билан клублар вакиллари, ПФЛ томонидан комиссар сифатида тайинланган масъуллар иштирокида ўтказилган йилги Суперлига ҳамда Про-лига доирасидаги юқори даражада ташкиллаштиришни таъминлаш масаласига бағишланди.

Унда йилги клублар вакиллари ташкилий масалалар бўйича юқори саволларига жавоблар олишди. Дарвоқе, тадбирда комиссарнинг ваколатига кирувчи масалалар ҳам муҳокама қилинди, комиссарлар

иши ва ташкилий масалаларини янада яхшилаш бўйича таклифлар билдирилди. Якунда ПФЛ ҳамда клублар вакиллари мавсумнинг қолган қисмини муносиб ўтказиш бўйича ўзаро ҳамкорликда ишлашга келишиб олишди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

ОФК ҳамда ЎФА мутасаддилари учрашувида мамлакатимизда миллионлар ўйинини ривожлантиришга асосланган турли лойиҳалар юзасидан ўзаро ҳамкорлик масалалари бўйича икки томонлама келишувга эришилганди.

Жумладан, ОФК ташаббуси билан юртимизда болалар учун мўлжалланган сунъий қопламали майдончалар барпо этиш учун маблағ ажратилиши лозим эди.

Қувонарлиси, келишувга асосан тендер ўтказилди. Унда спорт иншоотларини барпо этиш бўйича катта таҳрибага эга Италиянинг Limorta Sport компанияси ғалиб деб топилди. Ушбу ком-

пания вакиллари юртимизга ташриф буюриб, Андижон ҳамда Кўкунда сунъий қопламали майдончалар қурилиши ишларини бошлаб юборишди. Демак, яқин орада Фарғона водийсида қурилаётган 2 та сунъий қопламали майдонлар болаларга муносиб туҳфа бўлади.

Акбар Йўлдошев

Ёзнинг жазирамаси авжга чиққан шу кунларда кечки салқинда истироҳат боғлари, сўлим гўшалар, сув бўйларида оилавий сайр этишнинг гашти ўзгача.

"CHILLA FEST – 2018"

Шуни инobatта олган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокими 29 июль куни йирик микёсдаги маданий-маърифий, кўнгилочар лойиҳа — "Chilla Fest – 2018" фестивалини ўтказишни режалаштирмоқда. Тошкентликлар ва пойтахтимиз мەҳмонлари учун айни муддао бўлган мазкур фестиваль Тошкентдаги бешта боғда — "Локомотив", CentralPark, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, "Анхор-Локомотив", GreenPark каби масканларда оилавий сайллар тарзида ўтказилиши кўзда тутилган.

Фестиваль дастури етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барчаннинг кўнглини олишга мўлжалланган. Байрамона ва кўтариники руҳда ўтувчи ушбу фестиваль барча ораиқби кутадиган дам олиш кунининг гоят мазмунли ва қизиқари бўлишига, оилавий ришталар янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшади.

ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИ ЧОРЛАЙДИ

Мумтоз мусиқа қайси тилда куйланмасин, ундаги сеҳрли оҳанг тингловчи қалбига бирдек кириб боради ва барчага бир хил маънавий озуқа улашади.

Ўзбек Миллий мақом санъати марказида бўлиб ўтган йилги таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан 6-10 сентябрь кунлари Шахрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишдан қўзланган мақсад миллий мақом санъатимизни янада равнақ топтириш, ижодкорларнинг ўзаро фикр алмашиши учун кенгроқ шароитлар яратишдан иборатдир.

Саралаш давомида комиссия аъзолари томонидан хоржий давлат мақом ансамбллари ва яққохон хонандаларининг ижод намуналари анжуман Низоми талаблари асосида ўрнатилган тартибда ҳолисона саралаб олинди. Комиссия аъзоларининг маълум қилишича, ҳозирги кунга қадар 60 дан ортқ хоржий давлат вакиллари анжуманда иштирок этиш истагини билдирган.

(ЎЗА)

ГУРУЧ КУРМАКСИЗ БЎЛМАЙДИ

Амалдаги тартибларга кўра жисмоний шахслар томонидан вазни 3 кг.гача бўлган гуруч маҳсулотларини юртимиздан олиб чиқишлари рухсат этилади. Шунга қарамай мазкур талабларга риоя қилмаслик ҳолатлари учрамоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари "Тошкент – Новосибирск" йўналишидаги халқаро қатнов поезднинг йўловчилари ва уларнинг юқларини божхона назоратидан ўтказиш вақтида фуқаро Қ.А. 300 кг. гуручни божхона назоратидан яширганлигини фош қилишди. Дастлабки маълумотларга кўра божхона ходимларининг оғзаки сўровида айтилмаган ва декларацияланмаган маҳсулотнинг умумий қиймати 3,3 млн. сўмни ташкил этар экан.

Шунга ўхшаш ҳолатда мазкур божхона пости ходимлари томонидан "Андижон – Москва" халқаро йўловчи поезднинг йўловчиси фуқаро М.Ш. га тегишли юқларни божхона

назоратидан ўтказиш давомида қиймати 6,5 млн. сўмлик салкам 730 кг. гуруч маҳсулотлари ноқонуний олиб кетилаётганлиги маълум бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилиб, текширув ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Шу ўринда юрдошларимиздан божхона қоидабузарликлари ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари юзасидан Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг 120-76-71 – "Ишонч телефони" рақамига кўнгирак қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтаимиз.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент давлат техника университети томонидан 2015 йилда Нормиров Юнус Йўлдош ўғли номига берилган В № 832738 рақамли № 2287 рўйхат рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

М.Улугбек машинасозлик касб-хунара коллежи томонидан 2004 йилда Мирзаназарова Дилдора Хуррамовна номига берилган Т№199991 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Темир йўл обод" мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан сименталь зотига тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пишлоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия ускунасини (24,28 талик) ва гўштни қайта ишлаш цехи (кунига 0,5, 1 тонна ишлаб чиқаришни) сотиб олиш бўйича ҳужжалик юритувчи субъектлардан тижорат тақлифларини қабул қилади. Манзилмиз: Toshkent sh., 100060, T.Shevchenko ko'chasi, 7. Tel: 236-48-56, 236-48-64, fax: 256-16-59. Email: ush@railway.uz

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилмиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

"ТО1" ҚУШЁРЛИК — ОЛОВ ДУШМАНИ

Олов — "тилсиз ёв". Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳамиша ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Ўт-олов ёниб турган жойда лоқайдлик, беписандликка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда бўлганидек, халқ таълими тизимида ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир.

Зеро, халқ таълими муассасаларида ўт билан ўйнашга қизиқувчан кичкинтойлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг кўзига ўзгача қўринган оловнинг ўта хавфлилиги, ногоҳан содир бўлган ёнғинларнинг оғир оқибатларини тушунтириб, шу фалокатдан узоқроқ юришни ўргатиш ниҳоятда зарур.

Ф.ҚУЛДАШЕВ, Учтепа тумани ЕҲБ инспектори

Ёнғин содир бўлган хонадон вайронга айланади, уйдан файз-баракча учади. Ачинарлиси, бир инсон ёки кичкинтой гўдак ушбу оловда жиддий тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолади ёки қурбонга айланади.

Кимнингдир бепарволиги оқибатида бир неча дақиқаларда катта ёнғин ҳосил бўлади. Уни даф этиш учун ёнғин ўчирувчилар ҳамиша шай бўлиб турадилар.

Биз, ёнғин хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишга чақирамиз. Уйдан чиқиб кетаётганида электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг. Айниқса, болаларнингизни ёлғиз қолдирманг.

А.РОЗИМАТОВ, Мирзо Улугбек тумани ЕҲБ кичик инспектори, сафдор

Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг турар жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зеро, электр асбоблари ва маиший техника воситаларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бепарқлик, умуман ёнғин хавфсизлигининг оқди қондаларига риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона равишда бузиш оқибатида уй-жойларда қўлаб ёнғин чиқиш ҳолатлари учрамоқда.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси биринчи навбатда ўз шахсий хавфсизлигини, ўз мол-мулкни ва албатта жомоат, давлат мулкни кўз қорачиқдек сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиши ҳақида қайғуриши керак.

Д.ФОЗИЛОВ, Ёнғин хавфсизлиги бўлинимаси кичик инспектори, сержант

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан юртимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг олдини олиш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда.

Юртимизда ҳафтанинг ҳар чоршанба куни "Ёнғинлар профилактикаси куни" деб эълон қилинган. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли турар-жой бинолари, турли хил масканларда аҳоли ва маскан ишчи-ҳодимлари ўртасида ёнғин хавфсизлиги қондалари ва уларнинг олдини олиш борасида тушунтириш тарғибот-ташвиқот ишлари фаол тарзда олиб борилишига қарамай ёнғинларнинг сони ўсиб бормоқда. Шу ўринда ёнғиннинг моҳиятига назар солсак. Хўш, ёнғин ўзи нима? Ёнғин — инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларни йўқ қилиб ташлаши билан бирга келувчи назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёнидир. Ёнғинлар асосан электр ва электр ускуналарининг носозлиги, ёш болаларни назоратсиз қолдириш оқибатида юз бермоқда. Аҳолининг газ плитасидан бепарволик билан фойдаланиши ҳам салбий оқибатларга олиб келмоқда. Шу сабабли фуқароларни ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишга чақириб қоламиз. Шунда сиз ўз ҳаётингиз ва мол-мулкнингизни ёнғиндан сақлаган бўласиз.

Т.ИСМОИЛОВ, Ёнғин хавфсизлиги бўлинимаси кичик инспектори, сафдор

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ

Кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мошторинг хизмати маълумотига кўра, 27 июлда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарarli моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси ости бўлади.